

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Риштон тумани

Ободонлаштириш бошкармаси



С.Хайдаров **С.Хайдаров**

“ 24 ” *сентябрь* 2022 й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Фарғона-2022 й

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Риштон тумани Риштон тумани марказий йшл ёқаларида жойлашган гулхоналарга мавсумий гуллар кўчатларини сотиб олиш.

1.2. Танловнинг юкори қиймати 20 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Хизмат бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.
Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи етказиб берувчига шартнома бўйича мавсумий гулларнинг умумий жорий қийматининг 30% миқдоридан аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш мавсумий гуллар тўлик етказиб берилганидан сўнг текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, эҳтиёт қисмлар учун очиқ бюджет махсус ҳисоб рақамига режалаштирилган маблағдан умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Риштон тумани ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилоят, Риштон тумани

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Лицензия, гувоҳнома;
- Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;
- Кафолат хати (буюртмачига таклиф қиймати, етказиб бериш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда).

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга руҳсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва

бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов

ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Риштон туман ободонлаштириш бошқармаси йиғилиш

БАЁНИ ВА ҚАРОРИ №29.

24 октябр 2022 й.

Риштон тумани.

1.Кун тартибдаги масала: Риштон туманидаги марказий кўчалар Б.Рошидоний, Фарғона, Уч ариқ МФЙ.кўчалари йўл ёқаларида жойлашган гулхоналарга мавсумий гуллар сотиб олиш тўғрисида.

2.Раислик килувчи: Риштон туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи С.Ҳайдаров

Катнашдилар: Риштон туман ободонлаштириш бошқармаси бош муҳандиси С.Олимов, бош ҳисобчи М.Раджабова, бўлим бошлиғи С.Ҳайдаров, муҳандис С.Мулложонов бўлим бошлиғи И.Орипов.

Йиғилишни Риштон туманидаги марказий кўчалар Б.Рошидоний, Фарғона, Уч ариқ МФЙ.кўчалари йўл ёқаларида жойлашган гулхоналарга мавсумий гуллар сотиб олиш кераклигини гапириб ўтиб, бош муҳандис С.Олимовга сўз берди.

Сўз олган С.Олимов ҳақиқатдан ҳам маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тумандаги Риштон туманидаги марказий кўчалар Б.Рошидоний, Фарғона, Уч ариқ МФЙ.кўчалари йўл ёқаларида жойлашган гулхоналарга мавсумий гуллар сотиб олиш лозимлигини йиғилиш қатнашчиларига тушунтириб ўтди.

**Юқоридагиларни инobatга олиб йиғилиш
қарор қилади:**

Риштон тумандаги Риштон туманидаги марказий кўчалар Б.Рошидоний, Фарғона, Уч ариқ МФЙ.кўчалари йўл ёқаларида жойлашган гулхоналарга мавсумий гуллар сотиб олиб таъминлаш вазифаси бош муҳандис С.Олимовга юклатилсин.

Ушбу қарорни бажарилиши устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Риштон тумани ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи:

Котиба:



С.Хайдаров

М.Раджабова